ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 92-93 (224-225) | 2000 йил 20 декабр, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

СОҒЛОМ АВЛОД йилида кўз очган фарзандлар ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР йилида янада ардоқда бўлади

ТАРАДДУД

Шу йил 29-30 декабр кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Президент Арчаси тадбирлари бўлиб ўтади.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИГА ОЛҚИШЛАРНИНГ БАРЧАСИ!

Ҳар йили Янги йил арафасида болажонларни Президент Арчаси атрофида жамлаб, уларга Қорбобонинг қопидан совғалару қалбларимиздан қайноқ меҳр улашиш республика миқёсидаги гўзал анъанага айлангани рост.

Бу йил ҳам Президент арчасини ўтказиш учун «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви бош-қошлик қилмоқда. Президент Арчаси пойтахтнинг энг ҳашаматли «Туркистон» саройида виқор тўкиб турибди. Бу арча 29 декабр куни роппа-роса 11 да ранг-баранг чироқларга бурканиб илк меҳмонларни - пойтахтдаги Юртбошимиз меҳрини илиқ кутаётган болажонларни атрофига чорлайди. Шу куни соат 14 да эса Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари Президент арчаси атрофида жамулжам бўладилар. Айнан шу куни соат 16 да эса кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари Арча атрофида қувнашади.

Бу йилги тантаналар шаклан ва мазмун жиҳатидан қизиқарлироқ, ҳашаматлироқ ташкилланган деб бежиз айтмадик. Ҳар бир совға қутисида Президент табриги бор. Бу табрикнома ота-онасидан айрилган, боқувчисиз қолган мурғак юракчаларда катта мурувват, меҳр тимсоли қиёсида қолишига шубҳа йўқ.

- «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувининг Тошкент шаҳрида тузилган ишчи гуруҳи Президент Арчаси томошаларини режалаштирилганидек ҳақиқий байрам тантаналари даражасида ўтказиш учун кўплаб тадбирларни амалга оширдилар. Ҳомийлар билан ишлаш, совғаларни қадоқлаш, таклифномаларни тарқатиш, Меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилаларни ҳисобга олиш шулар жумласидан, - дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Аъзамжон Гадойбоев. - Бунда жамғарманинг пойтахт бўлими ходимлари ҳам астойдил ҳаракатдалар. Лекин икки кунлик тантаналар ўтиши билан байрам тугамайди, байрам касалхоналарда даволанаётган, ногиронлиги учун саройга келолмаган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳузурида давом этади. Биз Президент Арчаси томошаларини ўтказишдан Юртбошимизнинг, қолаверса, ҳаммамизнинг асл мақсадимиз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳеч бир кўнгли яримта, меҳрга муҳтож болажонни байрамдан бебаҳра қолдирмаслик учун совғаларни, Президент табригини шахсан ўз қўлларига топширмоқчимиз.

Қолган вилоятларда ҳам Президент Арчаси байрамини мароқли ўтказиш учун барча тадориклар кўрилган, совғалар ҳозирланган.

Мавлуда КОСИМОВА,
«Mahalla» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

АФҒОНИСТОН

Афғонистонда қарамақарши томонлар ўртасида шиддатли жанглар бораётганлиги ҳақида шимол кучлари толибонлар ишғол қилган бир неча қишлоқни озод эттанликлари хориж матбуоти хабарлар тарқатмоқда. Мухолиф томонларни муросага келтириш мақсадида Ашгабатда уюштирилган бир неча кунлик учрашувлар натижа бермаган. Фақат томонлар бир ойдан кейин учрашишга рози бўлишган. Бордию БМТ толибонларга нисбатан санкция қўлласа, у ҳолда бу учрашув ҳам бўлмаслиги айтилган.

РОССИЯ

Россия раҳбарларининг чет эл сафарлари хануз давом этмоқда. Мамлакат президенти В.Путин Кубага қилган ташрифини якунлаб Канадага ташриф буюрган бўлса, бош вазир М.Касьянов айни чоғда Францияда сафарда. У бу ерда ўзининг ҳамкасби билан иккала давлат ўртасидаги муносабат Россиянинг иқтисодий аҳволи ва унинг истиқболи, Франциянинг инвестицияси шунингдек Россиянинг Франциядан қарзи (бу қарз қарийб 3,5 млрд. доллар) масалалари ҳақида музокаралар олиб бормоқда.

ТОЖИКИСТОН

Тожикистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи қай даражада? ОБСЕнинг шу масала бўйича эксперти О.Бобоназарованинг қайд қилишича, ҳали бу соҳа бўйича анча ишлар қилиниши лозим, чунки мамлакатда бир неча йил давом этган фуқаролар уруши ўз асоратини кўрсатмоқда экан. «Озодлик» радиосига кўра инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш посбонларининг ўзлари ичида қонунни бузувчилар учрайди. Яқинда Конибодомда бир милиция майори бир кишини отиб ўлдирган. Умуман бир йилга яқин вақт ичида 48 нафар милиция ходими жавобгарликка тортилган.

***

Халқаро меҳнат ташкилотининг тарқатган хабарига кўра ҳозир жаҳонда 120 миллиондан ортиқ ноқонуний муҳожирлар бор. Бундайлар асосан Африка, Ҳиндистон, Эрон ва МДҲ мамлакатларидан Европанинг бой, тараққий этган мамлакатларига иш излаб борган инсонлардир. Уларни бегона мамлакатларда иш топишлари осон кечмаяпти. Топганлари ҳам доимий қўрқув исканжасида арзон гаровга турли юмушларни қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Хориж матбуоти материаллари асосида Ф.ҒОЙИБОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛА МУАММОСИ

ҒАМХЎРЛИККА ҲАЛОЛЛИК ЯРАШАДИ

Термиз шаҳар ҳокимлигининг назорат инспекцияси Республика Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан назорат ўтказди. Текшириш жараёнида ибратли ишлар билан бир қаторда шаҳардаги айрим маҳаллаларда давлат ғамхўрлигига нисбатан суиистеъмолчилик ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, тегишли нафақаларни тайинлашда жиддий хатоларга йўл қўйилган. Энг муҳими, бундай хатоликлар тажрибасизлик ёки билмай туриб содир этилмаган. Баъзи фуқаролар нафақа олиш учун маҳаллаларга ҳужжат топширганларида ҳомиладорлик таътилига чиқишдан олдин бирон жойда ишлаганини яшириб, корхона, ташкилот ёки муассасадан, айни пайтда маҳалладан ҳам нафақа олишган. Давлат ҳисобидан «ҳотамтой»лик қилган маҳалла қўмитаси ходимлари ҳужжатларни пала-партиш юргазиб келишган. Болали оналарга боласи икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда нафақа тайинлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар аниқ кўрсатилган бўлса-да, маҳалладаги «сахий»лар учта қўшни кўрсатмасига биноан қарор чиқариб, нафақа тўлайверган.

Назорат инспекцияси ўтган йилнинг март ойидан шу йилнинг июл ойигача 31 фуқаро ўз иш жойларидан 988 минг сўмдан ортиқроқ, маҳалла қўмиталаридан ҳам 815,7 минг сўм нафақа олганлигини аниқлади. Ноқонуний олинган ушбу пулларнинг ярим миллион сўмдан кўпроғи маҳаллий бюджетга қайтарилди.

Бундай ҳолатлар шаҳар халқ таълими тизимида, «Гулистон», «Озодлик», «Паттакесар», «Алпомиш», «Ўзбекистон», «Учқун», «Ишчилар» маҳаллаларида ошкор қилинди. Ёш гўдакни ўртага қўйиб, ноҳалол пул топиш гуноҳи азим эканлигини айрим оналар, маҳалла оқсоқоллари тушуниб олсалар, яхши бўларди.

ЎзА.

ОБУНА — 2001

КУТИБ ЭМАС, ЎҚИБ ЎТИРИНГ...

«Mahalla» газетаси халқимиз ҳаётининг ғаму-қувончларига яқин турган матбуот нашрларидан бири ҳисобланади.

Хоразм вилоятида 750 та маҳалла бор. Агар уларнинг ҳар бири бир донадан ёзилишганда ҳам олам гулистон бўларди. Афсуски ундай бўлмади.

Келинг фактларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 9 декабригача бўлган маълумотларга кўра, вилоят бўйича «Mahalla» газетасига 159 та обуна қилинган. Шундан 105 таси 6 ойлик, 39 таси эса уч ойликка қилинган обунадир. Ўтган йилги натижалар эса, бундан ҳам ёмон. 2000 йилда вилоят бўйича «Mahalla» газетасига атиги 75 та обуна қилинган. Кўпгина, маҳаллаларда биронта ҳам «Mahalla» газетасини топа олмаймиз. Ҳатто, чекка жойларда шундай маҳаллалар учрайдики, ҳали улар ташкил этилиб, «Mahalla» газетасини кўришмаган. Шундай газета борлигини билишади, холос.

Беихтиёр, ўйга толасан киши. Бу маҳаллаларда мамлакатимизда маҳалла ҳаёти кўзгуси бўлган газетага-ки, шундай муносабат билдирилаётган экан, уларнинг бошқа ишлари қай аҳволдайкин!

Энг аввало маҳалла оқсоқолларининг ўзи газетага обуна бўлиши керак. Бу наинки, мажбурий, балки раиснинг касб тақозосидир. Иккинчидан, идора ходимлари ўзаро жамлашиб, тикиб қўйиш учун бир дона газетага обуна бўлишлари, ўқиб янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлиб боришлари, намунали маҳаллалар ишини ўрганиб, уларни амалий татбиқ қилишга ҳаракат қилиб борсалар мақсадга мувофиқ келади, деб ўйлайман.

Мен кўп бор маҳаллаларда бўлиб, уларнинг оқсоқоллари ва ходимларининг ўз тизимидаги янгилик ва ўзгаришларни билмасликлари, ишни яхши ташкил эта олмаётганликларига гувоҳ бўлганман. Албатта, вилоятдаги барча маҳаллаларда шу аҳвол дейиш фикридан йироқман. Саноқли бўлсада, ҳавас қиладиган, ўрнак, ибрат олса арзийдиган маҳаллалар ҳам бор. Маҳаллага келган фуқаролар, қабулхонада, оқсоқол бўшагунча турли газета тахламларини ўқиб ўтиришади ва жилла қурса бирор янгиликни билиб кетишади.

Маҳалла катта, қудратли куч. Бу кучнинг жиловини маънавияти, билими қучли инсонлргина тўғри изга сола олади. Ана шу маънавиятнинг бир кўзи бўлган газетага бир дона обуна бўла олмаган кишиларга бу даргоҳда раҳбарлик қилиш ярашмайди.

М. ҚОДИРИЙ.

ШУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

- **Оқсоқол малакали бўлса, маҳаллани гуллатади!**
- **Шикоят хати мухбирни шижоатга ундади.**
- **Пенсиянгизнинг баракасини... суғурта компанияси беради.**

3-саҳифасида:

- **Отахонлар орзуси - чойхона қуриш.**
- **«...У «Худога шукр, тушим экан...» дея пичирлади».**
- **Яхшилар гулшанига хуш келибсиз!**

4-саҳифасида:

- **Аёллар ориятдан чекинганда, эркаклар рўмолчага беркинмасин!**
- **Неварасига суюкли бобо бўлишдан, ичкиликка шайдойи-адо бўлишни афзал билган кимса.**
- **Бордию «Алпомиш» достонини ўқимаган бўлсангиз, албатта ўқинг. Йўқса, бу галги бошқотирмани ечишингиз мушкул.**

ЧУМЧУҚ СЎЙСА-ДА, ҚАССОБ СЎЙСИН,

ЧАҚА САНАСА-ДА, ҲИСОБЧИ САНАСИН

Оммавий ахборот воситаларида баъзан маҳалла йиғинининг раиси фолончиларга ғайриқонуний йўл билан, ёки ноқонуний равишда, болаларга ажратилган пулни, нотўғри тўлаган, қабилида айблов мақолаларга кўзимиз тушади.

Аслида улар бу ишни билиб қилишдимикин? Атайлаб қонунни бузишдимикин?

Хизмат юзасидан вилоятларнинг турли хил туманларида бўлишга тўғри келади. Ва ўз-ўзидан фуқаролар йиғинлари раислари, туман «Маҳалла» хайрия жамғармасидаги раҳбарлар билан суҳбатлашамиз. Шубҳасиз уларни бугун қизиқтираётган савол ва муаммоларга дуч келамиз.

Яқинда, республикамиз жанубий вилоятларидан бирида бўлганимда, жамғарманинг ҳисобчиларидан бири гапириб қолди.

- Агар менга қолса, маҳалла котибларини ҳисобчи мутахассислигига эга бўлган кишилардан тайинлар эдим, - деб қолди.

Бу гап мени анча ўйлантириб қўйди. Ва нафақат котиблар атрофида, балки маҳалланинг бошқа мутасаддиларининг қайси касб эгаси бўлиши ҳақида ўртоқлашгим келди.

Маълумки, халқимизда «Чумчуқ сўйса-да, қассоб сўйсин» деган ажойиб нақл бор.

Мутахассис ҳисобчи ҳисоб-китоб ишларини меъёрий ҳужжатлар асосида, белгиланган тартиб-қоидалару Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус қўлланмаси, йўриқлар асосида амалга ошира боради. Тегишли идораларга қонуний йўл билан, яъни ҳисобчиларга хос бўлган аниқ ҳисоб-китобли ҳисоботлар топширади. У бундан ташқари ўқув юртида ўқиш даврида ҳуқуқшунослик, меҳнат кодекси, эстетика фанларидан сабоқ оладики, у маҳаллада котиб бўлиб ишлаш жараёнида, фуқароларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар беришга асқотиши турган гап. Маълумингизки, ҳозир маҳаллаларда маҳалла посбонлари сардори деган «штат» бор. Унинг асосий вазифаси нималардан иборатлиги аён. Ҳар ҳолда мазкур «штат»даги одам шунчаки, идорада эртадан кечгача чой ичиб, уч-тўрт бекорчини олдига йиғиб олиб, гап сотиб ўтириш эмас. (Баъзи жойларда шу ҳолатни кузатдим).

Афсуски бу вазифаларда аксарият ҳолда ҳуқуқий маълумоти йўқ фуқаролар ишлаяптилар. Энг ачинарли томони шундаки, бу вазифада ҳам ёши 50 лар атрофида бўлган кишилар «ўралашиб» юрибдилар.

Бу гапларимизнинг хулосаси шуки, маҳалла фуқаролар йиғинлари лавозимларига ҳам одам сайлаш ёки тайинлашда мутахассислигини ҳисобга олиш зарур.

К. МИНГБОЕВ.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Қоракалпоғистон

ШИКОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Нукус шаҳрида Жамолиддин Солиев ўз шикоят хати билан мурожаат қилмаган ташкилотлари кам қолди.

Унда Ж.Солиев 1993 йилдан Нукус шаҳридаги 5-макон фуқаролар йиғини оқсоқоли лавозимида ишлаб келганлиги, аммо «Ўзини ўзи бошқарув органлари тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси бузилиб, 2000 йил 25 апрелда оқсоқол сайлови ўтказилганлиги, унда иштирок қилган 167 вакилдан 164 таси уни ёқлаб овоз берган бўлса-да, Нукус шаҳри ҳокимияти томонидан бир ярим йил мобайнида олтинчи марта 2000 йил 25 сентябр куни сайлов йиғилиши ўтказилиб, шаҳар ҳокимиятининг қарори билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилганлигини ёзади. Умуман, - деб ёзади Ж.Солиев, - мен 1999 йил 5 декабрдан кейин кувғинга учрадим. 3 марта ҳар хил баҳоналар топиб, ноқонуний тарзда хоҳлаган пайтларида ишдан бўшатишди. Агар иложи бўлса ушбу хатимни газетада эълон қилсангиз, бошқаларга ибрат бўлар эди». Ибрат яхши нарса. Тўғриси, биз ҳам хатни ўқиб, бу ерда ноҳақлик борга ўхшайди, ўргансак ростдан бошқаларга ибрат бўлар деб ўйладик.

(Давоми 2-бетда.)

МУНОСАБАТ

«МУНОСАБАТ»ГА МУНОСАБАТ ШУМИ!

— дея биздан гина қилибди мухлисимиз А. ТОВМУРОДОВ:

Мен сизларга мактуб ёзиб газетангизни 18 октябрь сонида чоп этилган С.Бозорованинг «Ваколат огирлик қилмоқда» мақоласига ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирган эдим. Сизларга раҳмат, «Ҳақ гапни айтганим учун комиссиядан чиқаришди» дея 8 ноябрь сонида мақоламни чиқарибсизлар. Аммо эътирозим ҳам бор: Мақолангинг бошида «Сайёрахон» деб бошланибди, тугалланишида эса «Сайёра опа» дея тугалланибди, фамилиямни эса «Товлимуродов» деб қўйишибди.

Таҳририят нотўғри ёзса, бунга нима дейиш мумкин. Албатта эътирозим ўринли деб ўйлайман, балки «раддия» берарсизлар. Яқинда Қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига бордим. Раис «Бу сизнинг мақолангизми? Нега фамилиянгизни нотўғри ёзибсиз», деди.

Мақолани муҳокама қилдингизми, дедим. У киши газетани яқинда олдим, деб жавоб берди. (8 ноябрда чиққан газетани Қ.Ф.Йни раиси йигирма кундан сўнг олса). Қўрғонча маҳалламиз 2001 йил учун «Mahalla»га ўзим обуна ҳам бўлмаган. Моддий аҳволим яхши бўлганда албатта «Mahalla»га ўзим обуна бўлар эдим. Газетанинг ҳар бир баҳсли, мунозарали мақолаларига фикр билдиргим келади.

Газетанинг 8 ноябрдаги сонида босилган «Оқсоқоллар синовдан ўтмоқда» мақоласи мени ўйга толдирди. Яқинда маҳалламиз бўлинар экан, яъни янги маҳалла очилар эмиш. Кимдир ҳокимиятда қариндошини, яна ким таниш-билишларини ўртага қўйиб, маҳалла оқсоқоллигига ёки посбонликка «даъвогар» бўлади. Илгари шундай бўлган эди.

Айтинг-айтинг XXI асрда ундай бўлмасин, йигирманчи асрда камчилик нуқсонларимиз қолиб кетсин.

ТАҲРИРИЯТ МУНОСАБАТИ: **Ҳурматли Акбар ака Товмуродов. Таҳририятимиз ходимлари сиздан газетамизни мунтазам ўқиб бораётганингиз, унда ёритилаётган мақолаларга бефарқ эмаслигингиз учун ҳам миннатдор. Сиз билдирган эътирозга қўшилса бўлади. Аввало сиздан узр. Бунинг яна бир томони борки, таҳририятга келаётган хатлар орасида қўлда ёзилганлари бор. (Жумладан сизники ҳам) Биласиз, ҳар кимнинг ҳуснихати ҳар хил. Сизнинг фикрингизни, газета юзига олиб чиқишга астойдил қизиққан ходимларимиз хатингизни таҳрир қилишга, сизнинг хатоларингизни тўғрилашга берилиб кетиб, фамилиянгизда хато қилиб қўйгани учун жазоланди. «Сайёрахон» дейиш тўғрими ёки «Сайёра опа?» Буни аниқлаш учун Сиз каттами ёки Сайёрахон (опа) катта эканлигини аниқлашимиз лозим бўлади.**

Янги маҳалла очилиши ҳақида ёзибсиз ва бу борада ҳали бошланмаган ишга вазифа истаб одамлар турли жойларга югуришаётганлигини айтибсиз. Қўйинг, Акбар ака, бундай исбот қилинмайдиган дашномлар билан маҳалладошларни «калтаклайверманг». Улар сизга керак бўлади. Сиздан яхши-яхши таклифлар, мақолалар ёзишингизни кутиб қоламиз. Омон бўлинг.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

СЕМИНАРДАН САМАРА БОР. ШИКОЯТЧИ НОҲАҚ ЭКАН! МАҲАЛЛАГА ОҚСОҚОЛ, ОҚСОҚОЛГА МАЛАКА!

2000 йил 20 декабр
№ 92-93 (224-225)

Қашқадарё

СЕМИНАРДА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

- Қашқадарё воҳаси нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолияти самарали йўлга қўйилган ҳудуд бўлишига қарамай, бугунги семинар билимларимизни яна бир карра «тест»дан ўтказиб олишга хизмат қилди, десам бўлади, - эътироф этди Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Коммуна Исмоилова.

Ҳақиқатан ҳам воҳада учинчи сектор, қолаверса маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бу фикрни вилоятда ташкил этилган кичик ва ўрта бизнес корхоналари, шинам ва ҳар томонлама қулай тарзда бунёд этилган ўнлаб гузарлар тасдиқлаб турибди. Хусусан Шаҳрисабздаги Гулнора Одилова бошқараётган ҳунармандлар уюшмаси, Қаршидаги Талъат Ғавворова раҳбарлик қилаётган Олима аёллар уюшмаси нафақат мамлакатимизда, балки Европадаги ривожланган давлат вакиллари билан ҳам кенг ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишган.

«Ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТ - фуқаролик жамияти қуриш асоси. Улар муаммосининг ОАВда ёритилиши» мавзусидаги семинарда жумладан, маҳаллий матбуотнинг мавқе-аҳамиятига ҳам баҳо бериб ўтилди.

- Тўғриси, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мунтазам ёритиб борсак-да, сизларда шунча муаммо борлигини яхши билмас эканмиз, - деди «Қашқадарё» газетасининг бош муҳаррири Бўри Норқобилов. - Бугунги анжумандан кейин иқрор бўлаяпманки, бизлар доимий ахборот алмашиб ишлашимиз даркор экан.

Вилоятдаги телевидение ҳақида гап кетганида шуни айтиш лозимки, ўзини ўзи бошқариш органларида учраётган муаммолар айнан жаҳон кўзгусидан ҳам четда қолаётгани йўқ.

Албатта, семинар - муаммолар «бетга айтиладиган» анжуманга ўхшаб кетади. Лекин бу очиқ суҳбатлар келгусидаги тараққиётимизга замин бўлади.

Н.АЛИМОВ.

ШИКОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

(Боши 1-бетда.)

...Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Нукусда бўлдик. Шикоятчи Ж.Солиев билан учрашдик. Ёшлари 70 га яқинлаб қолган бу отахон билан узоқ суҳбатлашдик. У киши шикоятда билдирган фикрларида қатъий туришини яна бир бор таъкидлади.

Республика «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси ўринбосари Озод Қулмуродов ҳамроҳлигида Нукус шаҳар ҳокимиятида ҳоким ўринбосари П.У.Зорекеев ва бошқа масъул ходимлар билан шу масала юзасидан суҳбатлашдик, дахлдор ҳужжатлар билан яқиндан танишдик.

Дастлаб, шикоятчи алоҳида таъкидлаган 2000 йил 25 апрелдаги сайлов йиғилиши тўғрисида. Аниқланишича, бу тадбирда шаҳар ҳокимининг икки ўринбосари, бўлим мудири қатнашган экан. Шикоятчи шу сайловдан кейин кувғинга учрагани тўғрисида ёзади. Аслидачи?

Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари, назорат инспекцияси бошлиғи А.Абдукаримовнинг 1999 йил 21 декабрдаги шаҳар ҳокимига ёзган хатида 5-макон фуқаролар йиғини оқсоқоли Ж.Солиевнинг айби билан нафақа, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам 5 кўринишда жами 19355 сўм ва 3 кўринишда жами 7524 сўм ноқонуний берилганлигини аниқ фактлар билан кўрсатиб берилган. Нукус шаҳар молия бўлими мудири М.Аминов бошчилигида ўтказилган текширишларда Ж.Солиевнинг масъулиятсизлиги оқибатида С.Олломуродовага 5 ой давомида 2 мартадан 2625 сўмдан пул нотўғри ёзилиб, жами 13125 сўм зарар етказилган. Шунингдек З.Тажимовага икки ёшгача боласига нафақа тайинлашда ноқонуний равишда ҳаракат қилиниб, 29565 сўм асоссиз бериб юборилган. Натижада Нукус шаҳар ҳокими 2000 йил 15 апрелдаги 57/4-қарори билан 5-макон фуқаролари йиғини оқсоқоли Ж.Солиев бундан олдин чора қўлланилиб, ойлик иш ҳақидан 20 фоиз жарима солингани, макон кенгес ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария-тозалик ишларини қониқарсиз олиб боргани учун эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш ҳақида хулосага келган.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг «Нукус шаҳрида жойлашган маъмурий иморатларнинг меъморий-санитария ҳолатини яхшилаш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечириш якунлари бўйича 2000 йил 16 сентябрда ўтказилган мажлисининг қарорига кўра ҳам шаҳардаги 5;7;10-макон фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари эгаллаб турган лавозимларига лойиқ эмаслиги кўрсатилди.

Юқоридагиларга асосан шу йил 16 ноябр куни 5-макон фуқаролар йиғини раиси вазифаси масаласи қўйилган. Унда иштирок қилган 64 вакилдан 62 нафари Ж.Солиевнинг вазифаси нолойиқлигини маъқуллаган ва ёш йигит К.Ўтамуродов оқсоқол қилиб сайланди. Биз сайлов йиғилиши тўғрисида вакилларнинг баъзилари билан учрашиб, уларнинг фикрларини билишни лозим топдик. Суҳбатдошларимиз макон фуқаролар йиғини оқсоқолини сайлаш йиғилиши тўғри ўтганлигини эътироф этишди.

Шу ўринда шикоят хати билан танишишда юз берган бошқа баъзи мулоҳазаларни газетхонлар билан баҳам кўришни лозим топдик. Биринчидан, шикоятчи салкам 70 ёшда. Бизда негадир ўзини ўзи бошқариш идоралари раислари деганда фақат нуроний кишилар эътиборга олинади. Ҳозирги мураккаб шароит эса оқсоқоллардан ўта масъулият, кўп вақт, ҳар бир фуқаро билан муомала қилишни, тегишли Қонун ва қарорларнинг бажарилишини таъминлашни тақозо қилади.

Шунинг билан мазкур қарорларга нуқта қўймоқчи эдик, бироқ фикрга янада аниқлик киритиш учун икки масалага тўхталишни лозим топдик. Биринчи гап: Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши махсус йиғилиши қарори билан Нукусдаги 3 та макон фуқаролар йиғинлари оқсоқолларининг иши қониқарсиз деб топилган экан, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи шаҳар оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими қаерда эди, деган ҳақли савол туғилади. Аниқланишича, бўлим «Маҳалла» жамғармаси жамғарманинг Қорақалпоғистон бўлими Раёсатининг 1999 йил 21 июндаги қарори билан фаолиятини тўхтатган экан. Ваҳоланки, бўлимнинг банкдаги ҳисоб рақами ҳали ёпилгани йўқ, муҳри, штампи сақлаб қўйилган, шаҳарда 1999 йилдан буён «Маҳалла» жамғармаси йўналишида бирорта ҳам иш бажарилмаган.

Мазкур шикоят хатидаги фикрларни ойдинлаштириш мақсадида кўмак сўраб «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлимига борганимизда раис Ўринбой Мадёров меҳнат таътилида экан. Биз мақсадимизни жамғармадаги масъул кишилар билан ўртоқлашиб турганимизда Ў.Мадёров хонага нима сабабдандир кириб қолди. Хурсанд бўлдик. Чунки шикоятдаги фикрларни ойдинлаштириш учун кўп юриш лозим, бунинг учун эса автоулов лозим бўлади. Жамғармада эса давлат рақами 23АБ510 бўлган «Тико» русумли автомашина бор. Ўринбой Мадёров хайрмаъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолди. Гўёки таътилдаги одам бу дунё ташвишларидан холидай. Афсуски, жамғармага тегишли автомашина ҳам у киши билан бирга таътилда экан.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Таҳририятдан: Ушбу шикоят хати ва уни ўрганган мухбиримиз хулосалари билан танишиб, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид ҳужжатларга амал қилишда ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, ҳатто мазкур ҳужжатларда ҳам масаланинг туб моҳиятига етиш учун етарли бўлган йўл-йўриқлар йўқлиги ва қолаверса, жойлардаги бу соҳадаги мутасаддиларнинг ўз ишига масъулиятсизлиги сезилиб қолади.

Аввало хатоларга йўл қўйиб, буни тан олмасдан бунинг устига ёш ҳам бир жойга борганда оқсоқолнинг ўз вазифасига тиштирноғи билан ёпишиши кишини анча ўйлантириб қўяди. Аммо бу ўринда ҳадеб сайловлар ўтказавермасдан ҳокимият бу борада «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» ҳақидаги қонунга мурожаат қилинса ва шу асосда йўл тутилса, иш бу даражада шикоятлар билан тугамаслиги мумкин эди.

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ МУАММОЛАРИ: ДИЛ ИЗҲОРИ, ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА...

«Mahalla» газетаси муҳарририятига!
Ҳурматли Бош Муҳаррир!
Аввало шуни мамнуният билан сизга маълум қиламанки, бизнинг Чироқчи туманидаги 20 та қишлоқ, 24 та қишлоқ маҳалла, 7 та шаҳар маҳалла, жами 51 та фуқаролар йиғини севимли газетамиз «Mahalla»га обуна бўлишдилар.

ЖАМҒАРМА МАВҚЕИ КЎТАРИЛСА...

Биз севимли газетани қизиқиш билан ўқиб борамиз, унинг саҳифаларида чоп этилаётган ўзини ўзи бошқариш органлари ҳаётига оид жуда муҳим ва қизиқарли масалалар ёритилаётганлигидан мамнунмиз. Хусусан, газетанинг шу йил 29 ноябр сонидаги «XXI аср маҳалласи қандай бўлади? рукнида берилган қонун ижроси назорати ҳақидаги мақолада жуда муҳим масалалар кўтарилганлиги ва бу фактлар нафақат Жиззах ва Сирдарё вилоятларида, балки бизнинг туманимизда ҳам мавжуд бўлиб, бизга ҳам тааллуқли эканлиги учун сизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ҳурматли таҳририят аъзолари!

Мен қисқа иш фаолиятим давридаги тажрибаларимни умумлаштириб, ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини яхшилаш мақсадида айрим мавжуд тартиб-қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш лозим эканлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимни сизларга ҳавола этишни ўзимга лозим деб топдим:

1. «Маҳалла» жамғармасининг Низомида унинг молиявий маблағи таъсисчи ташкилотлар, хўжаликлар, корхоналар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда тушириб берадиган хайрия пуллари ҳисобига, шунингдек маҳаллий ҳокимият томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига йиғилади, дейилган. Бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, ташкилот ва корхоналар жамғармага хайрия бериш имконига эга эмас. Шуларни ҳисобга олиб:

а) ташкилот, корхона, хўжалик ва юридик шахсларнинг даромадидан жамғармаларга фоиз миқдорида ажратма белгилаш, ёки уларнинг солиғидан бир қисмини жамғарма туман бўлинмасига ажратиш мумкин эмасмикан;

б) шунингдек, туман жамғармаларига маҳаллий ҳокимият томонидан ер ажратиб берилса, қўшимча даромад манбаи вужудга келиши мумкин.

2. Туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бўлимининг мавқеини ошириш мақсадида;

а) фуқаролар йиғинларига раҳбар кадрлар сайлаш ва уларни синовлардан ўтказиш масъулиятини, умуман уларга раҳбарлик қилишни туман Оқсоқоллар Кенгаши ва жамғарма раҳбарияти зиммасига юклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман;

б) шунингдек, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш ҳақлари кенгаш ёки жамғарма орқали бериладиган бўлса, уларнинг ўзаро муносабатлари янада яқинлашади деб ўйлайман.

Расул ШОДИЁРОВ,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси.

Чакич тутган қўлларингдан ўзим ўргилай, қизалоғим!

«MAHALLA» МУШТАРИЙСИ БУНДАН ХАБАРДОРМИ?

ҚЎШИМЧА ПЕНСИЯ ОЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Қиш ғамини ёзда е, деганларидек инсон умрининг қиш фасли -қариликнинг моддий жиҳатдан яхши таъминланишини ёшликдан ўйлаб қўйгани маъқул, албатта. Бунинг учун шахсий жамғарма тўплаш билан бирга қариган чоғда меҳнат пенсиясининг баракали бўлишининг ҳам чорасини кўриб қўйган яхши.

Хўш, қариган чоғда иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолмасликнинг чораси борми? Бор экан. Масалан, давлат томонидан белгиланадиган қарилик меҳнат пенсиясидан ташқари яна нодавлат пенсия ҳам олиш мумкин. Яхшиси, келинг бу ҳақда гапириб беришни «Йўловчи» автотранспорт суғурта компанияси акциядорлик жамияти бош директори, нодавлат пенсияни жорий этишнинг Ўзбекистондаги ташаббускорларидан бири В.Ражабовдан илтимос қилайлик.

- Мен сўзламоқчи бўлган нодавлат пенсия ҳақида ҳали Ўзбекистонда кўпчилик эшитган эмас. Чунки, сирасини айтганда, янги турдаги нодавлат пенсия тўлаш ҳали кенг кўламда амалга оширилганича йўқ, - дейди Восит ака Ражабов. - Бутун цивилизацияли оламда фақат жисмонан ночор ва ожиз, қарилигини моддий жиҳатдан таъминлаб қўйиши учун яхши даромад топа олмайдиган кишиларгина давлатдан олинадиган пенсияга кўз тикиб яшайдилар. Ўз кучларига, тадбиркорлигига ишонган бошқа фуқаролар эса пулларини хусусий пенсия жамғармаларида тўплаб борадилар. Бўлғуси пенсионерларнинг бу маблағларини бошқарадиган компаниялар бир неча ўн йиллар давомида уларни айлантиришиб, пул эгаларига катта-катта фоизлар тўлаб турадилар. Бу компаниялар фаолияти давлат миқёсида қаттиқ текширилиб, назорат қилиб турилади. Келгусида бериладиган нодавлат пенсия пулларини йиғаётган компаниялар катта миқдордаги бу активни айлантиришиб (масалан, тижорат ишларига йўналтирилиши), яхшигина даромад оладилар ва бу даромаднинг муайян қисми бўлғуси пенсиялари учун бадал (тўлов) тўлаётган кишилар жамғармасига мунтазам равишда қўшилиб бораверади. Қўшиладиган фоиз миқдори ҳам албатта юқори бўлади. Бу эса охир-оқибатда жамғарма манбаининг кўпайиб, бойиб боришига, бинобарин ўша киши пенсияга чиққанида пенсия миқдорининг катта бўлишига хизмат қилади.

- Мустақиллик шарофати туфайли Ўзбекистонда ҳам нодавлат пенсия тўлашнинг ташкил қилинишига имконият туғилди, - дея сўзини давом эттирди Восит ака. - Бизнинг «Йўловчи» автотранспорт суғурта компанияси акциядорлик жамиятимиз республикада бу муҳим ишнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Суғурта компаниямиз жамоаси аъзолари Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб нодавлат пенсия жамғармасини тузиш ҳаракатига тушдилар. 1993 йилда суғурта компаниясига асос солина бошланди.

Нодавлат суғурта пенсияси нима дегани ўзи, деган савол туғилиши табиий.

Нодавлат қўшимча суғурта пенсияси шахсий суғурталашнинг янги тури. Корхонада ишловчилар пенсияга чиққач ижтимоий ҳимоялаш даражасини юксалтириш ва ҳар бир ишловчининг давлат белгилайдиган пенсияси устига яна қўшимча пенсия олиши учун шароит яратиш мақсадида нодавлат қўшимча пенсия жамғармаси ташкил этилган.

Қўшимча пенсия олишни хоҳловчилар «Йўловчи» автотранспорт суғурта компанияси билан шартнома тузишлари керак. Лекин улар ҳали меҳнат пенсиясига чиқмаган бўлишлари лозим. Қўшимча пенсия суғуртаси тўғрисидаги шартномани, касбидан қатъий назар, 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар тузишга ҳақлидирлар.

Энди қўшимча пенсия пули қаердан олиб тўланади, деган савол туғилиши мумкин.

Қўшимча пенсия жамғармасидан тўланади. Бу жамғарма суғурта қилинувчи кишилар тўлаб борадиган бадал (тўлов)лар, иш берувчи корхона ўтказиб турадиган маблағлар ва банк тўлайдиган дивидендлардан ҳосил бўлади.

Суғурта қилинадиган шахс пенсия ёшига етганида корхона ва шахсий ҳисоб рақами эгаси суғурта жамғармасига бадал (тўлов)лар ўтказишни тўхтатади ҳамда шу пайтдан бошлаб суғурталанган фуқаро қўшимча пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Суғурта қилинган ишловчи пенсия ёшига етганида ўз хоҳишига кўра тўпланган суғурта пулининг бир йўла ҳаммасини ёки ўша жамғарилган пулдан ойма-ой олиб туриши ёхуд ҳар йилда бир марта қўшимча пенсия олиб туриши мумкин.

Табиийки, суғурта жамғармасига бадал (тўлов) тўлаб, нодавлат пенсияга замин яратиб юргандан кўра ўша пулларни омонат дафтарчасида жамғариб юрса бўлмайдими, деган савол туғилади. Суғурта жамғармасида пул тўплаш билан омонат дафтарчасида пул сақлаш ўртасида анча фарқ бор, албатта. Биринчидан, суғурта жамғармасига пул топширган шахс йилига 30 фоиз миқдорда дивиденд олади. Иккинчидан, мижоз халқ банкига фақат ўз пулларини омонатга қўяди, нодавлат пенсия жамғармасига тўланадиган бадал (тўлов)лар эса ишловчи билан корхонанинг маблағидан, яъни иккита манбадан ташкил топади. Учинчидан, суғурта компанияси билан қўшимча пенсия суғурта шартномаси тузган ҳар бир шахс шартнома амал қилаётган даврида, худо асрасин, ишлаб чиқариш жароҳати ёки йўл - транспорт ҳодисасига дучор бўлганида унга ўзи тўплаган жамғармасидан эмас, балки суғурта компанияси ҳисобидан ёрдам кўрсатилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини кучли иж тимоий ҳимоя қилиш нафақат давлатнинг, балки фуқароларни ўзларининг ҳам долзарб вазифаларидандир. Шунинг учун меҳнаткашлар фақат давлат томонидан белгиланадиган қарилик пенсиясигагина кўз тикиб ўтирмасдан ҳозирча фақат «Йўловчи» суғурта компаниясигина амалга ошираётган (келажакда, эҳтимол, бундай нодавлат пенсия жамғармалари Ўзбекистонда ҳам кўпайиб кетар) нодавлат пенсия туридан ҳам фойдаланиш имкониятини бой бермасалар, уларнинг кексалик йиллари моддий жиҳатдан янада кучли ва тўкин-сочин ўтишига шак-шубҳа йўқ.

ТИЗИМДА ТИҒИЗ МУАММО

ОҚСОҚОЛ, МАРҲАМАТ МАЛАКАНГИЗНИ ОШИРИНГ!

Фуқаролар йиғинлари раислари ва фаолларининг малакаларини оширишдаги қатор муаммоларни бартараф қилиш мақсадида «Маҳалла зиёси» маркази махсус Лойиҳа ишлаб чиқди ва уни халқарожамғарма Очиқ жамият институти кўрик-танловида ёқлаб, молиялашган Грант олишга эришди.

Бу соҳада яна бир халқаро ташкилот - Каунтерпарт Консорциум жамғармаси билан амалий ҳамкорлик Шартномасини тузди. Шуларнинг натижаси ўлароқ Сирдарё вилоят ҳокимияти, вилоят Оқсоқоллар кенгаши, Гулистон давлат университети ва «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази ўртасида амалий ҳамкорлик шартномаси тузилди. Шартномага кўра Гулистон давлат университетининг етакчи педагогларидан олти нафари халқаро Каунтерпарт Консорциум ташкилоти, республика ҳуқуқий тарғибот маркази,, Тошкент давлат юридик институти, давлат ва жамият қурилиши Академияси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши фаоллари ва олимлар иштирокида уч ҳафта давомида малакаларини оширадилар ва жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаолларини ўқитиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Яқинда Гулистон шаҳрида мавжуд 15 нафар маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва фаолларини ўқитувчи даргоҳ очилди. Ушбу «Маълумот, маслаҳат ва таълим маркази»ни ташкил этишдан жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, давлат бошқарув органларининг ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига босқичма-босқич ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этиши керак бўлган фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар ва маҳалла фаоллари, умуман ҳар бир фуқаронинг тизим фаолиятига доир билимини кенгайтириш, ҳуқуқ ва бурчларини чуқур тушунтириш вазифаларини амалга ошириш кўзланган. Жамоатчилик фикрига асосланган бошқарув тизимининг ягона тимсоли ҳисобланмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг фаолият йўналишларини кўпайтириш, ҳар қандай бошқарув органлари ва ташкилотлар билан оддий фуқаро ўртасида муносабатларни кучайтиришга эришиш муҳим омиллардан ҳисобланишини маърузачилар алоҳида таъкидладилар.

- Ҳозирги кунда маҳалларларнинг анъанавий фаолиятлари доирасига бошқа бир қатор, айтиш мумкинки, кўп қиррали, фаолият турлари кириб келмоқда. Бундай шароитда оқсоқол ўз фаолиятида Кенгаш аъзоларига, фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича ишлаётган комиссиялар раислари ва фаолларига суяниши керак. Ўз ўрнида фаолларни ўқитиш, малакасини ошириш, мустақил ишлашга ўргатиш талаб этилади. Айнан оқсоқолнинг онгига замонавий раҳбарлик услубларини сингдириш ва жамоатчиликни жалб этиш назарияси ва амалиётида чуқур ўргатиш зарурати ҳам аллақачон туғилган. Лойиҳамизнинг асосий мазмуни ана шу муаммоларга қаратилган ва уни тўла-тўкис амалга ошириш давомида барча муаммоларни ҳал этиб борамиз дея умид қиламиз,- дейди Лойиҳа раҳбари Рустам Бобожонов.

Агар республикамизда 10 мингдан ортиқ фуқаролар йиғинлари, 80 мингга яқин комиссиялар мавжудлигини ҳисобга олсак, ҳозирги кунда бу соҳада малака ошириш учун мўлжалланган ягона маскан «Маҳалла Зиёси» Республика ўқув-услубий марказида бундай кўп сонли фаолларни ўқитиш мумкин эмас. Шунинг учун юқоридаги каби марказларни бевосита жойларда ташкил этиш керак. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятига оид билимга эга бўлган, замонавий ўқитиш услубларини эгаллаган ўқитувчилар марказ очилаётган жойда мавжуд бўлиши, марказ фаолиятини молиялаштириш масалалари ечилган бўлиши зарур. Афсуски, ҳозирги кунда бу масалалар аксарият жойларда ечимини топган эмас.

Келгусида бундай марказларни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам очишни режалаштирганмиз.

О. БЕГАЛИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

БИЗНИНГ ТАЖРИБА

ҲАММАНИНГ КЎНГЛИ БИЗДА...

Ёшим 70 дан ошган бўлса ҳам ўз имкониятим, ҳаётий ва тажрибам даражасида «Оқсоқоллик» лавозимини яхшими-ёмонми адо этиб келмоқдаман.

Маҳалламиз 13 та кўчадан иборат бўлиб, 17 та кўп қаватли уйлар-хонадонларда 30 миллат ва эллат вакилларидан етти мингга яқин фуқаролар яшайди. Мана икки йилдирки, ҳар бир маҳалла оқсоқолига кўча бошлиқларига, маҳалла фаолларига маҳалла оқсоқоли имзоси билан гувоҳномаларни тарқатдик. Ҳомийларимиз ёрдамида маҳалла фаоллари рўйхатини ён дафтар шаклида чоп эттириб, ҳар бир фаолга етказдик.

Ҳокимлик рухсати билан миллатидан, жинсидан, эътиқодидан қатъий назар маҳалла «Фахрий ёрлиғи»ни йиғинимизда таъсис этиб, юбилярларга, намунали меҳнатсевар фаолларимизга йиғинларимизда тантанали равишда топширишни одат қилдик, айниқса 70, 80, 90, 100 ёшли кексаларимизга.

Биз «Энг намунали оила», «Энг покиза ҳовли, хонадон», «Энг намунали келин!» кўрикларини ўтказиб борамиз. Бу тадбирларимиз ҳам яхши натижалар бермоқда. XXI асрнинг дастлабки кунларидан бошлаб кумушолтин тўйлари бўладиган оилаларнинг «Намунали қўшақариганлар!» кўригини режалаштирганмиз. Тадбирларимизда Маҳалла хотин-қизлар Кенгаши Раисаси, «Камолот» жамғармаси ходимлари фаол қатнашадилар.

Ҳудудимиздаги дин пешволари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Жумладан 1999-2000 йиллар мобайнида улар томонидан маҳалламиздаги юздан ортиқ кам таъминланган оилаларга хайру эҳсонлар берилди.



Айниқса жазо колонияларидан авф туфайли ёки муддатини ўтаб келган фуқароларимизни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, уларга руҳий, баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб, касб-корларини назарга олиб, ишга жойлаш масалалари ҳам одатимизга айланган.

Хожиакбар АЗИМОВ,
Мирзо Улуғбек тумани Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

ПОКИЗА ҚАЛБЛАР - ИЎМОН БИЛАН САВОБ УМИДИ

Улуғ рамазон ойининг муборак кунларида олий мақсади эзгулик, поклик, ҳазрати Инсон камоли бўлган Ислом динимиз арконлари ҳақида суҳбатлашмоқ савоблидир.

Азизлар сир эмас, 70 йил мажбуран бошқа йўлга кириб, бошқа ғояларда юрдик. Аммо минг афсуслар бўлсинки, баъзан ҳаётда ҳамон ўрганиш бўлиб қолган ёт ғояларнинг таъсирини, у бизни бошқа томонларга буриб юборaётганини кўрамиз, «Алҳамдулиллоҳ мусулмонмиз», деймизу, асл мусулмончиликнинг мақсадини билмаймиз. Юракдан бир савоб ишга интилиш йўқ. Ҳазрати Умар айтадилар: Пайғамбаримиз САВдан сўрадилар: «Оллоҳ олдида энг суюкли банда қандай банда Ё, Расулиллоҳ?» Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ жавоб бердилар: «Одамларга манфаати етадиганроғингиз». Қани бир ўйлаб кўрайлик, азизлар, бу инсонларга қандай қилиб, қанақа манфаат келтириб, суюкли бўлар эканмиз? Эрталабдан кечгача масжидда ўтир демадилар. Одамларга манфаат етказиб туришни таъкидладилар.

Яна саҳобалар сўрадилар: «Амалларнинг энг афзали нима? Ё, Расулиллоҳ?» Пайғамбаримиз жавоб бердилар: «Бир мўминнинг қалбига шодлик киргизмоқлик. Бир инсоннинг қалбига шодлик киргизиш, яъни оч бўлса тўйғазишлик, ҳеч ким ҳурмат қилмай, ғариброқ бўлиб турганда, ҳурматини қилиб қўйишлик, уни ғамдан йироқ қилишлик, қарздор бўлиб, ранги сарғайиб турган бўлса қарзини узишда ёрдам бериб юборишлик. Давом этдилар, кимки бир мусулмон биродарининг хожатини чиқазишда ёрдам берса, боринги, ўзининг ҳамма ишини қўйиб шу инсонга ёрдам беришга ҳаракат қилса, у кишига бир ой рўза тутганнинг ва бир ой рўзани эътиқод билан ўтказганликнинг савобини беради Оллоҳ. Кимки зулм кўрган бир инсонга, бирга юриб, ёрдам бериб, уни ноҳақ бўлган зулмдан қутқаздириб юборса, Оллоҳ таоло «Пулсирот»да қадамини собит қилар экан. Кимки, бир одам дилига озор бериб, ёмон қилиқ қилганда, шуни бир адабини бериб қўяй, деб турган пайтида, ўзини ушлаб, ғазабини ютса, озор берган одамга азоб бериш ё ранжитиш, ё урибми, таҳқирлашми қўлидан келиб туриб, Оллоҳ учун ғазабини ютса, Оллоҳ таоло уни қиёмат куни айбларини беркитар экан.

Мусулмончилик биринчи даражада инсоннинг манфаатини кўзлар экан, унинг олдида биз ҳам масъулдирмиз. Айтадиларки, Ҳотамтой ҳиммати, саховати билан дунёда машҳур бўлди. Аслида ўзи мушрик бўлган. Исломдан аввал ўтган. Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ Муборак Ҳадисларида саҳобаларга айтиб берганларки, Ҳотамтойга қиёматда Оллоҳ айтади, Эй, Ҳотамтой сен мени танимадинг ва билмадинг. Оллоҳ айтар экан, одамларга қарз берардинг қарзини олиб келиб беришолмасди, кечиб юборардинг. Сени ҳам менинг олдимда қарзларинг жуда кўп. Лекин сен қандай одамлардан қарзларингни кечиб юборган бўлсанг, мен ҳам сенинг ҳамма қарзингни кечирдим. Жаннатимга доҳил этдим. Жаннатимга кир, деркан Оллоҳ.

Бир инсон Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо САВнинг ҳузурларига кирдилар.

- Ё, Расулиллоҳ, Оллоҳни ҳақ деб биламан, Сизни унинг расули деб биламан, беш вақт намозни ўқийман, Рамазонда рўзани тутаман, закотни бераман, мен кимларданман?

Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ жавоб бердилар:

- Сен пайғамбарлар қаторида аҳли жаннатийсан, - дедилар-да кўрсаткич бармоқларини огоҳликка ишлатиб. - Мабодо ота-онангга оқ бўлиб қолмасанг, - дедилар.

Юртимизда фарзандларимиз соғломлиги учун, оналарнинг саломатлиги учун, одамларнинг яхши ҳаёт кечиришлари учун эътибор катта. Юртда барча жабҳаларда, ободончилик соҳасида ишлар авжида. Мана кўприклар қуриб, йўлларни асфальтлаб қўйилаётгани, бинолар қурилаётганини кўриб турибмиз. Шундай бунёдкорликлар, эзгу ишлар бўлаётган бир пайтда, буларни қадрлаш ўрнига «Мусулмон республикаси» қурамиз, дейилиши нима дегани? Ахир бу мусулмончилик эмасми?

Таомингизни еб туриб, шунчалик ҳам бемаза овқат бўладими, дейдиганлар бўлади. Бировнинг тўйига келиб, ошини еб, ошидан, дастурхонидан камчилик қидириб кетадиган одамлар бор. Илоё, Оллоҳим, мана шундай тоифалардан қилмасин. Қалб кўзи очилсин. Бундайларга Оллоҳ инсоф бериб, инсоннинг бошига кулфат тушиб азия чекиб турганда ёрдам бериб турадиган, яхшилик қиладиган бўлишсин. Оллоҳдан эрта-ю кеч инсонларни инсофли, тавфиқли бўлишларини, меҳрли, оқибатли бўлишларини сўрайлик. Камина бутун умрим бўйи қўлимдан келганча, маърифатга, маънавиятга, Ислом динига хос эзгуликларни аниқ ва равшан қилиб очиб беришга холис хизмат қилиб келадилар. Кимларгадир ёқмайди, кимларгадир ёқади. Ёқмаганларга гапимиз шуки, Худо қулфи-дилингизни очсин, қиёмат куни бировнинг гуноҳини бўйнингизга олиб юрманг, умуман, олимларга, зиёлиларга, эл назарига тушган одамларга ҳеч қачон тош отманг. Отган тошингиз бир кун ўзингизга қайтади.

Инсон эканлигимизни, Инсон бўлганда ҳам, мусулмон Инсон эканлигимизни ўйлаб, бу улуғ номга муносиб бўлишни Оллоҳ насиб айласин.

ТАЖРИБА

МАҲАЛЛАМИЗ БОЛАЛАРИ

Бола тарбиясини бежиз ниҳол парваришига қиёс қилмайдилар. Боғбон нозик ниҳолни эътибор, қунт билан қанчалик асраб-авайлаб, тўғри парвариш қилса, у ҳосилдор бўлиб ўсади, одамлар ундан манфаат кўради.

Шу ўй-фикр, талаб билан маҳалламиз болалари - ўқувчиларимиз тарбиясига ёндашар эканмиз, бунга амалда қандай эришишни кўп ўргандик, мулоҳаза қилдик. Ниҳоят, 1992 йилда бошлаган изланишларимиз 1996 йилга келиб ўз натижасини берди. Маҳалла фаоллари, ота-оналар билан маслаҳатлашиб, «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарордан ҳамда ёшлар тарбиясига оид бошқа меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб, тажриба тариқасида Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Муқимий номли 19-мактабда «Назоратчилар гуруҳи»ни ташкил этишга қарор қилдик. Ҳар бир синфда «Назоратчилар гуруҳи» тузилди. Гуруҳга маҳаллада, мактабда намунали хулқи, аъло ўқиши, жамоат ишларида фаол иштироки билан барчага ўрнак кўрсатаётган ўқувчиларни саралаб олиб, аъзо этиб сайладик. Тегишли низомини тайёрладик. Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда иш режаларини туздик. Айни вақтда назоратчиларнинг ўқишини ташкил этдик. Туман ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари республикамизда умуман қабул қилинган, биринчи навбатда ёшларга тегишли қонунлар ҳақида, мутахассислар тарбия, ахлоқ-одобнинг бошқа соҳалари бўйича қизиқарли маърузалар қилдилар.

Оқибатда мактабимизда, атрофдаги маҳаллаларда қонунбузарлик ҳоллари камайишига эришилди. Ёш назоратчилар гуруҳларининг самарали ишлари 1996 йилда туман, кейинчалик вилоят миқёсида қўлланилиб, тажриба сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

Ўқувчиларга ҳуқуқий тарбия беришда, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, тафаккурини ўстиришда, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандликка, ичкиликбозликка берилиб кетмаслигини таъминлаш; диний экстремизм ва бошқа зарарли оқимлар таъсиридан асраш, ҳимоялаш, мактаб, оила, маҳалла, ички ишлар бўлими самарали ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашиш асосий нияти бўлган мактаб назоратчилар тизимини республика миқёсида ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Муқимий номли 19-мактаб директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари.

ГАП ОРАСИДА

РУЛ КИМГА КЎПРОҚ БЎЙСУНАДИ?

Автомобилни ким яхшироқ бошқаради эркакларми ёки аёллар? Европанинг саксизта давлатида олиб борилган кенг кўламли тадқиқот натижаларига кўра эркакларга қараганда аёллар машинани яхши бошқарар эканлар. Бироқ буни улар кўзкўз қилмас экан. Улар автоуловни хотиржам бошқариш билан бирга йўл ҳаракати қоидаларига бўйсинганлиги туфайли фожеий ҳоллар жуда кам рўй бераркан. Шунга қарамай сўровда қатнашган ҳайдовчи - аёлларнинг 10 фоизи машина ҳайдаш аёллар иши эмаслигини айтганлар. Бу фикрни эркакларнинг чорак қисми ҳам тасдиқлашган.

Сўровда қатнашган эркакларнинг учдан бир қисми аёллар фақат шаҳар ичкарисида машинани бошқаришлари мумкинлигини билдирганлар. Машинани вақтинча топширишингизга тўғри келса, кимга берардингиз, аёлингизгами ёки танишингизгами, - деган саволга сўралган эркакларнинг 80 фоизи - танишимга деб жавоб қайтарган.

Олинган натижаларга асосланиб олимлар автоуловни бошқаришда аёллар ва эркаклар тенглиги масаласи ҳақида гапиришга ҳали эрта экан деган хулосага келганлар.

«ОҚ ДОРИНИНГ» КАСОФАТИ

Сўлим кечаларнинг бирида петрозаводсклик аҳил оила аъзолари - ота-она ва икки ўғил ошхонада ароқ ичишиб, ҳаёт ҳақида суҳбатлашарди.

Бироқ ака-укаларнинг сиёсат бобидаги фикрлари бир хил чиқмади ва жанжаллашиб қолишди. Ака укага бир неча тарсаки тортиб юборди. Бундан жаҳли чиққан ука қаергадир чопиб чиқиб кетди ва РГД-5 қўл гранатаси билан қайтиб келиб, у билан акасининг бошига туширди. Ака ўша ерда тил тортмай ўлди.

Вақт ўтиши билан кайфи тарқаб ўзига келган қотил, ҳеч нарса билмаслигини, акасига қўл кўтара олмаслигига терговчиларни ишонтирмоқчи.

13 АСРЛИК БУДДА

Матбуотнинг хабарига кўра Лесхан-Будда деб номланувчи Будданинг энг катта ҳайкали Хитойнинг ғарбидаги Эмей тоғи қоясида ўйиб ишланган. Ушбу ҳайкал БМТнинг ўта қимматли ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Будданинг бу ҳайкали бундан қарийб 13 аср илгари ишланган бўлиб, кислотали ёмғирлар таъсири остида борган сари нураб бормоқда. 72 метрли ушбу Будда ҳайкалининг юзи ва сочлари айниқса кўпроқ эрозияга учраган. Ҳайкалнинг емирилаётганлигига сабаб унинг учта дарё қўшиладиган нисбатан намроқ водийга жойлашганлигидадир. Бунинг устига у юмшоқ қумли қизил тошдан ўйилган.

ТУЯҚУШ ТУХУМИДАН ҚУЙМОҚ

Яқин кунларгача Африка мамлакатлари аҳолиси ўртасида туяқуш ҳаёт ва бахт рамзи сифатида қадрланар эди. Бироқ ҳозирга келиб у «қанотли уй ҳайвони»га айланди. Дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида у ҳозир боқиладиган бўлди. Буни бир талай сабаблари бор, албатта. Аниқланишича, бу қуш гўштининг таркибида мол гўштига қараганда холестерин 30 марта, ёғлилиги 9 марта кам экан. Туяқушнинг гўштидан турли хил таомлар тайёрлашса, унинг териси атторлик моллари тайёрлашда, ёғи косметикада, пайлари - трансплантацияда, мияси эса Альцгеймер касаллигини даволашда қўлланилади. Тухуми ейилади, шунингдек бадиий ҳунармандчиликда ҳам қўлланилади. Бир дона тухуми 25 дона товуқ тухумига тенг келади.

ЧОЙХОНАНИ ЭНДИ ЎЗИМИЗ ҚУРАМИЗ, - ДЕЙИШМОҚДА ЭСКИ ЖЎВА ОТАХОНЛАРИ

Автобусда кета туриб, суҳбатлашиб кетаётган икки отахоннинг суҳбат мавзулари беихтиёр менинг диққатимни торта бошлади.

Отахонларнинг суҳбат мавзулари чойхоналар тўғрисида борар эди. Улар куйинишиб, бир вақтлар чойхонада бирга ўтиришиб, дам олишганларию, шахмат-шашка ўйнаб ҳордиқ чиқаришганларини, дам олиш кунларида ош дамлаб, бирга ўтиришган тенгдошларини сўроқлашиб ўтиришарди. Бири қўйиб бири гапираётган отахонларнинг суҳбатларида жон бор эди. Автобус «Эски жўва»да тўхтаган эди, отахонлар тушиш учун ҳаракатлана бошладилар.

Мен ҳам отахонларнинг изидан автобусдан тушдимда, узр сўраган ҳолда, ўзимни таништириб, суҳбатларига шерик бўлиш ниятим борлигини, вақтлари бор-йўқлигини сўраганимда.

- Вақт деганингиз нимаси, қизим биз вақт билан ишлаб бўлдик. Энди зериккан вақтимизда бир ўзимизнинг «Эски жўва»мизни айлансак, анча кўнглимиз ёзилиб, чарчоғимиз чиқиб уйга қайтамиз.

- Тўғри айтасиз, - дея гапни илиб кетди иккинчиси. - Қизим, мухбир экансиз. Шу чойхоналарни-ю, бизларнинг гапларимизни ёзиб бир газетга чиқаринг, савоб бўлади, - дедилар ўзларини Олимжон ота деб таништирган отахон.

- Чойхоналар йўқ эмас, чойхоналаримиз жуда кўп. Айниқса чойхоналар бизга ўхшаган қарияларнинг дам оладиган, ёшларнинг ҳаёт саболғини оладиган жойи бўлиши керак.

Ҳозирги кунда даромаднинг кетидан қувган чойхоналаримизда, блярдлару, яна алламбало, биз тушунмайдиган ўйинлар ўйналади. Аксарият чойхоналаримиз тўйхоналарга айланиб кетди. Тўғри ёшлар ҳам дам олишсин, лекин чойхоналарни, «ўзлариники» қилиб олиб, қарияларни бездириб қўйиш керак эмас-да. Негаки, улар ҳуда бошқача. Мен ҳам бу гапларим билан ҳамма чойхоналар шу аҳволда демоқчи эмасман. Лекин аксариятида ўтириб ҳордиқ олиш ўрнига дилинг оғриб чиқиб кетасан.

40-45 йиллаб давлат муассасаларида ишладик. Мана энди Оллоҳга шукур пенсиядамиз. Баъзан ўз тенгқурларинг билан чақчақлашиб, бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқариб ўтиришнинг гашти бошқача бўлади-да.

Мен ўзим шахматга жуда ишқибозман. Ҳозирги ёшларимиз шахмат ўйнамай қўйишган. Фарзандларимга, набираларимга ақлни пешлайман, дам оламан, десанг шахмат ўйнанглар, барака топкурлар, дейман.

- Авваллари Ўрдада 2-3 та чойхона бор эди. - дея давом қилди суҳбатимизни Олимжон ота, - Эски жўвада жуда ажойиб чойхоналар бор эди. Маза қилиб, Комилжону, Маъмуржонларнинг қўшиқларини эшитиб, ҳордиқ чиқарар эдик. Ҳозир қарияларнинг чойхонага чиқиб ўтирганини кам кўрасиз. Чиққанда ҳам қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронли мусиқалар овозидан чарчаб, безиб қолиши тайин.

Ёшлар ҳам чойхоналарга чиқишсин, қачонки, қарияларни ҳурматини қилиб, уларнинг ёнларида ўтириб, суҳбатларидан баҳраманд бўлишсин. Чойхонага чиқиб ўтиришнинг ўзи ҳам бир маданият ҳисобланади.

Ҳожи отанинг ниятлари ҳақида ҳам қизиқсиниб савол бераман. У киши камтарлик билан, - бу ҳақда гапиргим йўқ эдику. Олимжон акам сирни очиб қўйдиларда, - деб насиб этса ўзлари орзу қилгандек бир чойхона ташкил қилиб, маҳалладаги отахонларни бир хурсанд қилмоқчи эканликларини, ҳозирги кунда ана шу яхши ниятлари ҳаракатида эканликларини секингина айтиб ўтдилар.

Жамила ЭШОНҚУЛОВА.



Бобом сўзи — ақлнинг кўзи

РЎЗИ ОДНчининг туши

ҳикоядаги ўтмиш

Мана, бир неча ойдирки, Рўзи ОДНчи тўшакка михланиб қолган. Аввалига «Сал нарсага баҳона қилиб ётаверасизми? Ишга чиқинг, бўлди, чеҳрангиз ёришади», дея ботма-бот келиб, хабар олган раис, аграном ва бригадирларнинг ҳам энди қадами узилган.

Эҳ-ҳе, бир пайтлар уни ҳамма, айниқса, раҳбарлар жуда улуғлашар, мажлисларда ҳам илғор колхозчилар қаторида, албатта, номи тилга олинарди. Сабаби Рўзи қилган ишни бошқалар эплолмасди. Масалан, самолётда гузага дори сепиладиган бўлса, оқ-қизил рангдаги байроқларни ушлаб, қайси майдонга дори сепилиши лозимлигини учувчига кўрсатиб турарди. Агарда бригадир «бир норма қўшиб ёзаман», деса ҳар йигирма қадамда эмас, ҳар ўн қадамга сепдириш ҳам унинг қўлида эди. Самолётдан устига ёғилган ҳиди аччиқ дорини менсимасдиям. Баъзиларнинг «Ахир заҳарли дори оғиз-бурнингизга кириб, кўзингизни ачиштирмайдими? Соғлигингизни ўйласангизчи!» деган сўзларига парво ҳам қилмай қўл силтаб қўярди.

Кейинчалик гўза қатор ораларига тракторлар ёрдамида дори пуркаладиган бўлди. Колхозга янги «ОДН» трактори ҳам келтирилди. Колхоз раиси тантанали равишда илк дори пуркагич тракторни Рўзига топширди. Шундан кейин унинг номига ҳамма «ОДН»чи қўшиб айтадиган бўлди.

Рўзи ОДНчига бир кунда 50-60 гектар майдонга дори пуркаш чўт эмасди. Икки-уч норма бажарса, кўпроқ пул олса бўлди эди. Ҳаёти шу зайлда давом этаверди. Мана, бугунги кунга келиб у оғир хасталикка чалиниб қолган. Учрамаган шифокори, даволанмаган касалхонаси қолмади. Тузалиш ўрнига аҳволи кун сайин оғирлашмоқда.

...Рўзи ОДНчининг қовоқлари оғирлашиб, кўзлари юмула бошлади. Шу пайт хона ҳаддан ортиқ ёришиб, бир тўда думалоқ бошли, оппоқ ялтироқ кийимдаги кишилар кириб келишди. Улар Рўзи ОДНчини даст кўтариб, қандайдир аравачага ётқизидилар. Сўнгра ташқарига олиб чиқиб, осмону фалакка қараб парвоз қилдилар. Бир пайт у ўзини думалоқ бошларнинг тепасида нўхатдек кўзи бор, қулоқлари катта, ранглари кўкимтир кишилар қуршовида кўрди. Уни таажжубга солгани шу бўлдики, бу ажабтовур одамлар соф ўзбек тилида гапиришни билар эканлар. Улардан бири шерикларига қараб:

- Бу киши ҳозир Ер сайёрасидан келтирилди. У оғир хасталикка чалинган ва энди ер сайёраси билан яқиндан танишиш учун экранга қаранглар. Кўраяпсизларми, ерликлар ўзларини-ўзлари ўлимга маҳкум этмоқдалар. Шундай гўзал табиатни, атмосферани улар авайлаб асраш ўрнига вайрон этмоқдалар, - деди.

Рўзи ОДНчи ҳам экранга қаради: кишилар дарёга ахлат тўкмоқдалар. Завод қувурлари осмонга заҳарли газ чиқармоқда. Бир томонда ёшлар тамаки тутатяпти, яна бир гуруҳ кишилар маст-аласт ароқхўрлик қилишмоқда. Чиқинди ва ахлат уюми устида болалар ўйнаб юришибди. Гиёҳванд йигит билан қиз билагининг томирига укол қиляпти.Кейин яна боя ўзбекча гапирган ўзга сайёралик (афтидан у бошлиқ бўлса керак) Рўзи ОДНчини кўрсатиб деди:

Бу инсон ҳам ўзини ўзи заҳарлаган. Кўп миқдорда заҳарли дори истеъмол қилган. Ердаги шифокорлар уни даволай олишмаганлиги боис лабораториямизга келтирдик. Ҳозир ҳар биримиз беморнинг 107 аъзосини танасидан кесиб олиб, алоҳида-алоҳида текширамиз. Сўнгра аниқ ташҳис қўйиб даволаймиз. Марҳамат, ишга киришинглар. Қайчи ва пичоқ келтиринглар. Мен эса арра билан ишлайман.

Ўзга сайёралик дарахт кесишда ишлатадиган электр аррани қўлига олиб, вариллаттанича Рўзи ОДНчининг тепасига келган эди, у қўрққанидан «Дод!» дея бақириб юборди.

Ўзининг бақиришидан уйғониб кетди. Қараса, хонада ёлғиз ётибди. Жиққа терга ботган. У «Худога шукр тушум экан...» дея пичирлаб, ҳолсиз қиёфада қўлини дори қутисига узатди.

Саидмурод БОЙНАЗАРОВ.

ЭЪТИБОР

ПУЛЛАРИМИЗДА ҚАДРИЯТИМИЗ БОР

Оллоҳга шукроналар бўлсинким, мана ўнинчи йилдирким, Ўзбекистонимиз Мустақил, Ватанимиз гуллаб яшнамоқда. Эндиликда Мустақил Ўзбекистонимизда миллий урф-одатларимиз, тилимиз, қадриятларимиз, динимиз тикланди, меросимизни ўрганиш имкони туғилди.

Шулар қаторида Ўзбекистонимизнинг ўз пули бор.

Маълумки, пулимиз қоғоз ва танга тариқасида муомилада фойдаланилмоқда. Бозор иқтисодиёти жараёнида пуллар айниқса жуда тез айланиб, қўлдан қўлга ўтмоқда.

Шу билан улар, айниқса, қоғоз пуллар эскириши ва йиртилиши мумкин. Аммо, бу ўз миллий пулимизга бўлган ҳурматимизни пасайтирмаслиги лозим. Баъзи-баъзида кўчаларда тангаларнинг ётганини кўриб ҳайрон қоласан киши. Ахир ўша пулларда ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг қадрияти акс этган-ку. Ахир шу пулларимизни, ўз тангамизни кўришни асрлар давомида орзу қилиб келдикку, бунинг қадрига етайлик, бепарволик қилмайлик.

Шодикул НАЗАРОВ,
Самарқанд вилояти Окдарё тумани, Наврўз маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли, уруш ва меҳнат фахрийси.

ЧЕХИЯ

Ўтиб бораётган асримизнинг оғриқли иллати бўлган гиёҳвандлик бошқа давлатлардагй сингари Чехияда ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Маълумотларга қараганда Чехия халқ хўжалигининг етакчи соҳалари бўйича тараққий қилган Европа мамлакатларига тахминан тенглашиш учун 20 йилдан ортиқроқ вақт керак бўлса, гиёҳвандлик бўйича ҳозир уларга етиб олган. 1998 йили бу иллатга қарши курашиш тўғрисида қабул қилинган қарорга кўра ёнидан наркотик модда чиққанлар қамаладиган бўлсалар ҳам уларнинг сони камаймаяпти.

ЭРОН

Эронда тарқатилган хабарга кўра келгуси йилнинг 28 майига белгиланган президент сайлови 8 июнида ўтказиладиган бўлди. Мамлакат қонунига мувофиқ бир шахснинг номзоди бу олий лавозимга икки марта кўрсатилиши мумкин. 1997 йили сайловчиларнинг қарийб 70 фоиз овозини олиб сайланган мамлакатнинг амалдаги президенти ислоҳотчи М.Ҳотамийнинг номзоди қўйилиши кутилмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОН

Қирғизистоннинг қонун чиқарувчи ассамблеяси ер тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Унга кўра қишлоқ жойларида камида икки йил яшаб, ишлаган меҳнаткашлар 50 гектардан ошиқ бўлмаган ерни сотиб олишлари ва сотишлари мумкин. Чет эл фуқароларига бу қонун тадбиқ этилмайди.

НЬЮ-ЙОРК

Бир неча жамоат ташкилотлари БМТ Бош котиби Кофи Аннанга мурожаат қилиб, дунёда ўлим жазосини бекор қилишда фаоллик кўрсатишга чақирди. Бош котиб бу чақириққа жавобан мазкур ишга ҳисса қўшажагини билдирди. Бироқ ушбу масалани дастлаб ҳар бир мамлакатнинг ўзи ҳал қилмоғи зарур, деди К.Аннан.

Маълумотларга қараганда, АҚШ, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Нигерия ва Яманда ўлим жазоси мунтазам ижро қилиб келинмоқда.

КИЕВ

Украина тинчлик кучларининг биринчи гуруҳи Сьерра-Леонега жўнатилди. Мамлакат мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, саккиз юзга яқин ҳарбий ушбу мамлакатда бўлиб, халқаро тинчликни сақлаш кучларининг тадбирларида иштирок этади. Украинадан Сьерра-Леонега ҳарбий техника ҳам жўнатилди.

ВАШИНГТОН

АҚШда ниҳоят президент сайлови билан боғлиқ машмашаларга чек қўйилди. Халқ сайловчилари мамлакатнинг янги президентига овоз берди. Сайлов ҳайъати аъзоларининг кўпчилиги республикачилар партияси раҳбари Жорж Бушга овоз берди ва у расман АҚШнинг 43-президенти этиб сайланди. Вице-президент лавозимига Ричард Чейни сайланди.

ЖАКАРТА

Индонезия ҳукумати «Ачех озодлиги» айирмачи гуруҳи вакиллари билан тинчлик музокаралари ўтказишга тайёрлик билдирди. Хабарларга қараганда, мамлакат президенти Абдураҳмон Воҳид Ачех вилояти маъмурий маркази Банда-Ачех шаҳрига келган.

Президентнинг Ачехга келишини кузатувчилар ҳукумат айирмачилар билан музокара ўтказишга рози бўлаётганига йўймоқда.

БЕЛГРАД

АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн Косовода халқаро тинчлик кучлари сафида хизмат қилаётган америкалик ҳарбийлар ушбу ўлкада яна қолишини билдирди. Косоводаги вазиятни инобатга олиб, КФОР ҳарбийлари сонини бироз қисқартириш мумкин. Бироқ НАТО кучлари ўлкани ҳали замон тарк этмайди, деди вазир.

ЎзА.

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

ҚЎШНИЛАР

Уйин тўрида кутган,
Оғзидан ошин туттан,
Ҳурматим бажо эттан
Бор бўлинг, сиз қўшнилар.

Хабар олар дамодам,
Борини кўрар баҳам,
Мен ҳам аларга ҳамдам,
Бор бўлишсин қўшнилар.

Қўллаган, қўлтиқлаган,
Омонликлар тилаган,
Йиқилганда суяган,
Бор бўлинг, сиз қўшнилар.

Меҳр кексаю ёшда,
Оқилаю фаришта,
Ҳовли атроф саришта,
Бор бўлишсин қўшнилар.

Яхшилигим оширган,
Муҳаббатим тоширган,
Нуқсон, айбим яширган,
Бор бўлинг, сиз қўшнилар.

Ҳовли олма, қўшни ол,
Сўзи бўлсин шакар, бол,
Яхши қўшни бахт-иқбол,
Бор бўлишсин қўшнилар.

Қўшнилар нури зиё,
У дунё-ю бу дунё,
Сўзин қилгин тўтиё,
Бор бўлишсин қўшнилар.
Бор бўлинг, сиз қўшнилар.

Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ВИҚОРЛИ УСТУНЛАРИ, ЭРКАКЛАР, СИЗГА АЙТАР ГАП БОР.

2000 йил 20 декабрь
№ 92-93 (224-225)

МАСТЛИКДА ТУҒИЛГАН РОСТЛИКЛАР

ЁХУД ЙЎЛОВЧИ САРХУШ АЁЛЛАР

Бир пайтлар «шайтон суви» ўлгурни эркаклар ичишарди. Уларнинг бу иш жойларида, маҳаллада атрофлича муҳокама қилинарди. Ҳозир-чи?

ЭНГ ОҒИР ЖАЗО

Ўшанда мактаб ўқувчиси эдим. Кунларнинг бирида туман марказидан қайтаётган эдим. Автобусдаги йўловчилар орасида икки нафар киши ғирт маст эди. «Шайтон суви»нинг бадбўй ҳидидан безган қизу аёллар, рўмолларининг учлари билан димоғларини беркитиб олишган.

Бечора аёллар бу эркакларга жўръат қилиб бир сўз айтолмасдилар. «Шер»ларнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Мен эса ҳозир бирон-бир нохуш воқеа рўй бермасин, деб қўрқардим. Бирдан орқа ўриндиқлардан бирида ўтирган аёл тиқилинч бўлишига қарамасдан бир амаллаб ўтиб келиб, эркаклар ёнига борди. Бу пайтда улар беҳаё ҳангомаларни ҳикоя қилар ва атрофидагиларга тасдиқлатиб ҳам олишарди. Ҳушёр эркаклардан эса садо чиқмасди.

Автобуснинг орқа ўриндиғидан ўтиб келган аёл, қишлоғимизнинг шаддод аёлларидан бўлиб, унга ҳар ким ҳам сўз қотишга ҳайиқарди.

«Шер»ларнинг ҳамон чакаги ўчмасди. Бир-бирлари билан мусобақа ўйнаётандек гоҳ униси, гоҳ буниси беҳаё сўзларни айтишар, тиржайиб-иржайиб аёлларга қараб қўйишарди. Шу пайт, кутилмаганда, шаддод опа автобус ҳайдовчисига бақириб қолди-ку:

- Ҳой шопир йигит, тўхтат!

Автобус тўхташи билан у маст эркакларни пастга туширди-ю, бир оғиз сўз айтмасдан, юзига шунақанги тортиб юборди-ки, улар ҳатто тисарилишга ҳам улгуришмади. Ҳамма қатори ҳанг-манг бўлиб қолган ҳайдовчини опанинг важоҳатга тўла овози ўзига келтирди:

- Ҳайда! Ҳайдайвер! Аммо, эсингда бўлсин, яна бир маротаба мастларни миндирсанг, автобусингдан айриласан.

Автобус кетиб борарди. Опанинг важоҳати шу даражада эдики, йўловчилардан биронтаси миннатдорчилик билдиришга ҳам журъат этолмадилар.

Эртасига ҳам жаҳлидан тушмаган опа кечаги «шер»ларни хотинларию қавми-қариндоши олдида шармисорини чиқарди. Уларнинг қилмиши халққа овоза бўлиб, анча вақтгача оғиздан тушмади. Улар кўчадан ўтганда ҳатто болакайлар ҳам қўлини бигиз қилиб кўрсатиб калака қиладиган бўлиб қолишганди...

Назаримда бундан оғирроқ жазо бўлмаса керагов!...

АЁЛ НИҚОБИДАГИ ШАЙТОНЛАР

Термиздан жўнаган поезд кечқурун Сариосиё вокзалида тўхтади. Энди, бир пайтлардагидек бекатларда соатлаб автобус кутмайсан. Ўзимизнинг «Дамас»лар жонимизга оро киради. Ҳайдовчи кўзимга иссиқ кўринди. Қарасам, ҳамқишлоғим Абдуманнон ака экан.

- Тирикчилик, йўловчи кутаётгандим, - дедилар.

Мен билан бирга учтўрт нафар аёл ҳам машинага чиқди. Бировнинг қўлида бир-бир ярим ёшлардаги гўдак ҳам бор эди. Машина эшиги ёпилиши биланоқ, димоғимга гупиллаб ароқ ҳиди келди. Наҳотки... Ахир булар аёлку... Йўқ-йўқ... Ҳа, улар ароқ ичиб олиб, маст эди. Улар балки сархушликдан, балки шунчаки одатлари бўйича бизлар - бегоналар олдида ўзларининг «саргузашт»ларини айта кетишди. Бола кўтаргани эридан нолирди. Бугун меҳмондорчиликда кўргани видеофильмдаги йигитга ҳаваси келибди. Яна бири яқинда бир йигит билан тоғ «сайри»га чиққанини мақтанди, учинчиси эрининг оғзига пул билан уриб қўйганлигини, шунинг учун уни тергай олмаслигини айтди.

Абдуманнон акага қарайман. Икковимиз аёллар суҳбатидан дув қизаргандик...

Беихтиёр хаёлга берилибман.

... Тўмарис момом келиб қолса-я, шу пайт. Душман қолиб, шу аёлларни қиличдан ўтказармиди?!

... Широқ бобом-чи? Бечора бобом исподга чидолмай, бу аёлларни «Борса-келмас»га олиб бориб адаштириб келармиди?

Ҳайҳот, ўзимиз, эркакларчи? Наҳотки, биз тажоҳили орифона санъатини шунча пухта ўзлаштирдик-ки, шундай аянчли ҳолатларга ҳам чидаб туролсак?!

Манзилга етиб, йўл ҳақини тўлашга келганда, аёллар «дангали»га ўтишди:

- Э, акажон, бизни кўринг, эркакларга пул берадиган хотинларга ўхшаймизми? Йўқ, десангиз, вокзалга қайтариб қўяқолинг!..

... Юқорида келтирганим, йигирма йил олдинги воқеа ана шу пайтда хотирамга келганди. Ўшанда, эркакларнинг беҳаё гап-сўзларидан аёллар бошларидаги рўмоллари билан юзларини беркитишганди. Наҳотки, рўмолчага беркиниш гали эркакларники бўлса? Ҳатто шаддод опамизнинг тарбия усулини қўллашга ҳам ярамадик. Демак, энг мўътабар зот деб билганимиз - Аёлга бўлган эҳтиромдан кўра, керак бўлса эри (отаси, акаси) тийиб олсин, деган лоқайдлик кайфияти бизда шунчалик кучли экан-да?!

● КАМОЛИДДИН.

✦ АРОҚ - КАСОФАТИ ЧАТОҚ

МАЙХЎР ЎҒРИНИНГ ХЎРЛИГИ КЕЛДИ

Субҳидамда бомдод намозига шошилиб кетаётгандим, кўзим чорраҳа бурчагидаги янги кўшнимиз ҳовлисига тушиб қолди. Кўшнимизнинг уйи ҳали қурилиб битмаган, оиласи ҳам кўчиб келмагану, лекин нима учундир ҳовлиси ҳам, эгаси яшамайдиган хоналарда ҳам чироғлар ёқилган, ҳамма ёқ ёп-ёруғ.

Аввал ҳайрон қолдим, кейин шубҳаландим: бирон корҳол бўлмадимикин бу кимсасиз ҳовлида? Кўча ғира-шира қоронғу. Бир маҳал бир нарсанинг шарақлаган овози эшитилди. Чўчиб кетдим саросимага тушганимдан ҳув нарида «Нексия» машинаси турганини кўрмай қолибман. Унинг эшиги очилиб, ичидан бир киши тушди-да мен томон кела бошлади. Одам шарпаси менга жуда яқин келгандан кейин билсам янги уйни қураётган йигитнинг отаси экан.

- Тинчликми, қўшни? Тонг саҳардан келибсиз?

- Уйимизга ўғри тушибди, - деди қўшни саломлашгани қўл чўзаркан.

- Йўғ-е, ҳали кўчиб келмагансизларку! Уйингизда ўғирлайдиган ҳали ҳеч вақо йўқ-ку, демоқчи бўлдим.

- Ўғрига мол қаҳотчиликми, ака. Қўлига илинганини ўғирлайверади-да. Шу кўчанинг одами экан.

«Шу кўча» дегани бу менинг кўчам, мен шу кўчада яшайман. Бу хабар менга момоқалдироқ қалдирагандай қаттиқ таъсир қилди. Тошкентнинг «Октябр» даҳасида уй-жой қуриб, кўчиб келганимизга 35 йил бўлибдики, ўзимизнинг 3-Зулфизор кўчасидан ҳам, ён атрофдаги кўчалардан ҳам ўғри чиққанини ҳали шу пайтгача эшитмагандим. Янги қўшнимизнинг янги гапидан эсанкираб, «йўғ-е, бўлиши мумкин эмас!» деб юбордим.

- Кириб кўрасизми, боғлаб қўйганмиз, - деди қўшни ўз даъвосини исботлаш мақсадида. - Кўча бошидан ҳисоблаганда учинчими, тўртинчи ҳовлида яшаркан. Ҳозир маст ҳолатда. -

- Э ифлос-ей! - деб юбордим гап ким ҳақида бораётганлигини дарров фаҳмлаб. - Кечагина у аҳмоқни эслаб беш-олти киши гап қилгандик. Юзбашараси қонталаш, пачоқ бўлганми?

Қўшни менинг гапимни тасдиқлади. Кўчамизда Х. исмли бир фуқаро яшайди. (Азбаройи фарзандларига раҳмим келганидан унинг исмини очиқ-ойдин ёзмасликка қарор қилдим). Гулдай ҳунари бор, касби бор. Илгари ҳайдовчилик қиларди, катта машиналарни ҳайдарди. Ҳайдовчиликдан топганидан қаноат ҳосил қилмадими ёки шайтон йўлдан урдими, билмадим. Бир маҳал ҳайдовчиликни йиғиштириб, мармар тошга ёзувлар ёзиш билан шуғулланаётганини эшитиб қолдим. Туриш-турмуши ҳам, кийимлари ҳам аввалгидан анча яхши бўлиб кетди. Ўзи меҳнаткаш йигит эди-да. Ганч сувоқчилигини ҳам ўрганиб олганди.

Бир куни суриштириб сўрасам, ўрис қабристонида ишлайман, деб жавоб берди. Х. «Мусулмон бандага христиан қабристонида нима иш бор экан», деб ҳайрон бўлгандим ўшанда соддалик қилиб.

- Қабр қазамиз, ёдгорлик тошлари тайёрлаймиз, - деганди Х. менинг ҳайрон бўлганлигимни сезиб. - Иш кўп, тушим ҳам кўп, - деб, қўшиб қўйди мамнун жилмайиб.

Орадан бир неча ой ўтди. Қиш кунлари эди. Ишдан қайтаётиб, ҳалиги маҳалладошимни учратиб қолдим. Маст эди. Уялтирмоқчи бўлиб, танбеҳ бердим.

- Кун совуқ, ер қаттиқ, озгина отиб ишламасак бўлмайди, - деб баҳона қилди у.

Шу-шу бўлди-ю, у нафақат совуқ кунлари, ҳатто илиқ-иссиқ кунлари ҳам ичиб юрадиган бўлиб қолди. Гоҳ ишдан қайтаётган бўларди, гоҳ «поминка» (ўрисларнинг ўлим маросимидан кейинги тадбири)дан келаётган бўларди. Хуллас, туппа-тузуккина тортинчоқ, меҳнаткаш йигит кўчанинг ўртасидан ўзига ўзи гапириб ғулдираб келадиган беандиша бир майхўрга айланди-қолди. Ишдан ҳайдалди, бошқасини топди, у ердан ҳам ковушини тўғрилаб қўйишди. Оиласидан хотиржамлик йўқолди. Хонадондан файз кетди. Пулсиз қолди. «Пул бер» деб хотини, бола-чақаси билан кунда, кунора жанжал қиладиган бўлди. Оиладан барака қочди.

Шўринг қурғур Х. қора қозон қандай қилиб қайнаётганлиги ҳақида ўйламай ҳам қўйди. Ўйлашга «бўш вақти» ҳам йўқ эди. Чунки уйқудан уйғониши биланоқ тарс ёрилай деб турган бошини даволаш илинжида катта кўча ёқасидаги озиқ-овқат магазинига судралиб борарди. У ерда Х.ни шишадош гумашталари кутиб турган бўларди. Сўнгги пулларини йиғишиб, вино ичишлари керак.

Яхшиямки, хотини эсли-хушли, отасининг хурмача қилиқларидан эзилиб ўсган фарзандлари уқувли, меҳнаткаш. Фарзандлар ҳовлида тандир қуришиб, нон ёпишиб тирикчилик қила бошлади. Оилага файз-барака қайтиб кела бошлади. Лекин узоққа чўзилмади. Фарзандлари чўнтагига пул туша бошлаганини кўрган номард ота: «Бу ҳовли-меники. Тандирни менинг ҳовлимга қургансанлар, шунинг учун ҳар ойда ижара ҳақи бериб турасизлар!» деб дағдаға қиладиган бўлди. Пул бериб туришди. Лекин бераҳм ота бу пулга уйга гўшт, нон олиб келиш ўрнига хурмачасини ароққа, винога тўлдирар эди. Борган сайин ошиб бораётган ота «солиғи»дан безор бўлган фарзандлар бегона ҳовлида яширинча тандирхона қуришиб, нонвойлик қила бошлашди. Лекин беандиша ота бундан хабардор бўлиб қолиб, яна «чўтал» талаб қиладиган бўлди.

Бу орада Х.нинг бўй етиб қолган қизига совчилар бирин-кетин келишиб, эшикни очаверишиб тинчитишмаётганди. Чунки ота беномус, беор бўлгани билан фарзандлари жуда меҳнаткаш, қобил ва одобли йигит-қизлар эди-да. Лекин тўй қилишга пул йўқ, қизга сеп етишмасди. Маҳалла аҳли, қариндошлар аралашиб, ёрдам бердилар. Маҳалла оқсоқоли, фаоллари бош бўлдилар. Уларнинг илтимоси билан маҳалладаги Бахтиёр исмли тадбиркор йигит узатилаётган қизга мебел совға қилди. Майхўр ота эса ичиб, кайф-сафо қилиб юраверди. Ҳатто неваралик бўлганида ичкиликни тарк этмади.

Ўзини ичкиликбозликдан, бемаъни хатти-ҳаракатдан тия олмаган, оила аъзоларини муттасил безор қилишдан тинчимаган Х. мана бугун оёқ-қўли боғланган ҳолда ярим уйқуда, ярим маст ҳолатда совуқ хонада тинчгина ётарди. Бомдод намозини ўқиб янги қўшни ҳовлисига кирган маҳалладошлар уни шу алпозда кўришиб ҳам уялиб кетишди, ҳам дарғазаб бўлишди.

- Бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми! - деб юборганини билмай қолди ўғрининг қўшниси Маҳмуд ака ғазабини жиловлай олмай.

- Фақат оилангга, ўғил-қизларинггагина эмас, бутун маҳаллага иснод келтирдинг-ку, виждонсиз! - деди қуйиниб Саидбурхон ака.

Маҳалладошларидан аччиқ гапларни эшитгани учунми, ёки совуқда қақшаб-қалтираб азоб чекканиданми, майхўр ўғрининг хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

Майхўр нима ўғирлабди, дейсизми? Мис сим. Кўчадаги электр устунидан уйга тортилган кабелни пичоқ билан кесиб олмоқчи бўлибди. Барибир худо бандасига меҳрибон-да: қаранг, электр токи кучланиши остида пичоқ эриб кетгану, лекин ўғрининг жони омон қолган. У шериги билан дурустгина ичишган, эртанги кун маишатлари учун пул қолмаган. Шунда қўшни ҳовлига ўғриликка тушишга қарор қилишибди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, деб ўйлашган-да. Яхшиямки, қурилишни олиб бораётган усталар шу ерда тунаб қолишган экан. Х. қўлга тушган, шериги жуфтакни ростлаб қолган.

● Абдураим ОТАМЕТОВ.

ФАРЗАНДИНГИЗНИ

ДАДАЖОН, СИЗНИ СОҒИНДИМ

ТАНИЯПСИЗМИ!



«Mahalla» газетаси таҳририятининг эшиги барчага баробар очиқ. Кўплар унга эмин-эркин мактуб йўллаб, кўнгилларини ёзадилар, ҳаёт қувончи-ю ташвишларидан сўзлайдилар. Куни кеча бир сурат билан, унга ёзилган шеърий шарҳни олдик. Шеърнинг кўз ёши билан йўғрилгани, отаси йўлида бўзлаб, нажотсиз ўтирган, ўйинчоқлар ҳам, тўкин рўзғор ҳам овута олмаган гўдакнинг оҳу зоридан чидаёлмай, уни шеърга кўчирган яқин меҳрибонининг нидоси эканлиги аён эди. Ўша сурат ва унга ёзилган тагшеърни ҳукмингизга ҳавола этамиз. Исми, манзили ёзилмаган бўлса ҳам отаси танир, инсофга келар деган умидда қоламиз.

Билганлардан сўрасам, менинг дадам бор эмиш,
Маъно тўла кўз, қошларим, падаримга ўхшар эмиш,
Ота-бола ўхшаш бўлса, ҳалолликдан нишона,
На қилайин ҳеч кўрмадим, шўр эканда пешона.

Узоқ эмас, яқин кентда яшармишлар «беармон»,
Менга ўхшаш укаларим даврасида соғ-омон.
Ўзим бориб кўрай десам, ҳали ёшман йўл чатоқ,
Нега дадам келиб кўрмас, маъноси мендан йироқ.

Бешга кирдим, оҳ дадамни кўрганим йўқ,
Одобсизлик бўлмасин деб, сабабин ҳам сўрганим йўқ.
Вақти келар, ғазаб сўниб, адолат бўлар ғолиб,
Юрмагайман шунда мен ҳам жон отамни соғиниб.

Оллоҳ менга умр берса, бир кун катта бўлайин,
Комил инсон янглиғ бориб уялтириб қўяйин.
От босмаган эзгу йўлни, мен той бўлиб босайин,
Яхшилар бир дуо қилинг, ниятимга етайин.

МУСАҲҲИҲ АДАШГАНДА

Эркаклар яхшиликка етаклар (эртаклар).

Чайқовчининг жойи мозор (бозор).

Адасининг суякли эркаси (суюкли).

✦ БОШҚОТИРМА

«АЛПОМИШ»НИ ЎҚИГАНМИСИЗ?!

Бошқотирмадаги тошилиши керак бўлган атама ва синоним сўзлар «Алпомиш» достонининг айнан ўзига тегишли.

БЎЙИГА: 1. Муқаддас қабр, ваиз авлиёлар қабрини англатувчи атама. 2. Алпомишнинг асл исми. 3. Бойбўрининг Бодом чўридан бўлган ўғлининг исми. 4. Қалмоқ юртидаги вилоят номи. 6. «Остинда ўйнаса шундайин тулпор, Ҳеч бир душман бўлолмасин баробар, Назаркарда билгин, ака Бойчибор, Барчин ... бул йўлинта интизор, Қичасанг етказар назари Чибор Бийнинг қизи борсанг бўлар хизматкор» Ҳакимбекка қарата Қалдирғоч ойимнинг тилидан айтилган ушбу мисраларда тушиб қолган сўзни топинг. 9. Отга емиш, хашак солиш учун тайёрланган махсус жой. 17. Мастон Сурхайил кампирнинг тўртинчи ўғлининг исми? 18. Қўйнинг 4 яшар эканлигини англатувчи атама. 19. Сурхайилнинг 3-ўғли ким? 21. «Аллар келса нима жавоб бераман, ...тақдирга нимани қиламан Тонг оттунга муҳлат олиб тураман, «Қалмоқларга қизим қандай бераман?» Бойсарининг нутқидан олинган ушбу мисралардаги тушиб қолган сўзни топинг. 23. Достонда учрайдиган тоғ номи. 26. Ўжарлик сўзининг синоними.

ЭНИГА: 5. От анжоми (Достон тилида). 7. «Айрилиш», «Йўлнинг икки ёки бир неча ёққа айрилиб кетадиган ерини англатувчи, 2 та алоҳида сўздан иборат атама. 8. Алпомишнинг отининг номи. 10. «Бой» сўзининг синоними. 11. «...дан» - яъни дафъатан, кутилмаганда, ногаҳон сўзларига синоним сўз. Нуқталар ўрнига қўйгач, -дан билан биргаликда! 12. «Жин» сўзини қўшганда урғочи чўчқа маъносини англатувчи атаманинг бошланиши қисми? 13. Астари кигиз, аврасн юнг бўлган чўпонлар чакмонининг достондаги аталиши? 14. «Оғир», «зилзил» - сўзларининг сино»ними (достондаги). 15. Ҳокимбекка 7 ёшида берилган яъни Рустам Достонлар сифатидан эканлигини англатувчи таҳсинга лойиқ сўз. 16. Эгасиз сўзининг синоними. 19. Сурхайилнинг иккинчи ўғли. 20. Қалмоқ юртидаги кўл номи? 22. Катта сўзининг синоними. 23. Дарёдан ажралган кўлча, сел ювган сой каби жой номларини англатувчи сўз? 24. Сурхайилни талаган биринчи итнинг номи? 25. Қалмоқхоҳнинг чўпони яъни Товкаойимнинг қаллиғи бўлмиш, йигитнинг исми? 27. Отни ушлаш учун ишлатиладиган арқон.

● тузувчи Нурхон ЭЛМУРЗАЕВА .

Газетамизнинг навбатдаги сони 30 декабрда чиқади.

ЮРАГИМИЗНИНГ ТАБИРИ

ҲАФТАНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА

ҚЎЙ (21.03-21.04). Ҳафта сиз учун ўртамиёна келади. Пайшанба куни кўнгилочар учрашувлар бўлиши кутилади. Шанбадаги амалий мулоқотлар сизга наф келтирса ажаб эмас. Жумада лақиллатиб кетишлари мумкин. Шунинг учун эҳтиёт бўлинг! Кўринишидан осон кўчадиган ишларга кўнманг.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Ҳафта сиз учун дам олиш ва хуш кайфиятда юриш маъносида дуруст келади. Чоршанба кунлари руҳингиз тетик бўлади. Пайшанбада соғлиғингиз хусусида ўйлаб кўринг. Жума куни пул келиши керак.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). Ҳафтанинг боши сиз учун анча ноқулайликлар келтирган бўлса, ҳафтанинг иккинчи ярмидан бошлаб вазият ижобий томонга ўзгаради. Масалан, пайшанбада молиявий жиҳатдан аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари яхши хабарлар тинглайсиз ва кўтаринки руҳда бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Бу ҳафта сизга молиявий ва романтик ҳолатлар жиҳатидан анча бой бўлади. Жума кунлари молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанба романтик учрашувлар кутилади. Орқага тисарилмасдан тезда фойдаланинг.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафта сиз учун бироз ноқулай келиши мумкин. Чоршанбада кайфиятингиз анча яхшиланади. Лекин пайшанба ва жумада яна машқингиз паст бўлади. Дам олиш кунлари кўнгилдагидек ўтади.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Ҳафтанинг боши каби охири ҳам дуруст келади. Пайшанба куни соғлиғингиз хусусида ўйлаб кўришга тўғри келади. Дам олиш кунлари табиат қўйнида ҳордиқ чиқарганингиз маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафта сиз учун воқеаларга бой бўлмайди. Шунингдек, ушбу ҳафтада сизга ишбилармонлик ва молиявий соҳада каттароқ ишларга қўл уриш тавсия этилмайди. Жума куни соғлиғингиз борасида муаммолар туғилиши мумкин. Якшанбада ҳам кайфиятингиз сал тундроқ бўлади.

ЧАЁН (23.10-22.11). Чоршанбада зиддиятли можароларга дуч келиш хавфи бор. Жума куни амалий учрашувлар ўтказиш учун қулай. Шанбада ишқий учрашув бўлиши кутилади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Бу ҳафта сизга хуш кайфият ва ажойиб учрашувларни ваъда қилаётир. Шанба куни соғлиғингиз масаласида ўйлаб кўриш жоиз. Якшанбада амалий учрашувлар сизга омад келтиради.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафта сиз учун ўртамиёна келади. Ҳафта ўрталаридаги нохушликлар сизни бироз толиқтиради. Лекин ҳафта бошидаги кўнгилли харидлар ва ҳафта охиридаги қайноқ ижодий ишлар анча руҳингизни кўтаради.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Кутилаётган ҳафта сизни янада кўпроқ ижодий ишларга чорлайди. Пайшанбадаги романтик учрашув ва шанбадаги амалий учрашувлардан сўнг дам олиш куни ажойиб ҳордиқ чиқарасиз.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ҳафта бошида молиявий жиҳатдан аҳволингиз яхшиланган бўлса. Чоршанба кунлари қизғин иш фаолиятида бўласиз. Пайшанбада амалий учрашувлар кутилади. Шанбада яхши хабар эшитасиз.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририяти жамғарма ҳузуридаги «Маҳалла мурувватн» корхонаси директори Шавкат Боқиевга волидаи муҳтарамаси

Зарофат аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037 Топширилди—20.30